ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 31 октябрь, пайшанба, 211-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ



СУРАТДА: учрашув пайти. Р. НУРИТДИНОВ олган сурат. (ЎзТАГ)

Кипр Республикасининг Президенти Георгиос Василиу Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

30 октябрь куни уни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Меҳмонга республикадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Ўзбекистон ўзини мустақил, деб эълон қилиб, бошқа иттифоқдош республикалардан ажралган ҳолда яшамоқчи эмаслиги таъкидланди. Фақат куч-ғайратларни бирлаштириб тангликдан чиқиб олиш мумкин. Бой табиат — хом ашё ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга интилмоқда. Барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари дўст бўлиб тинч яшашлари учун Республика ҳукумати ҳамма чораларни кўрмоқда. Одамлар Ўзбекистон қабул қилиб олган грек муҳожирларини яхши гаплар билан эслатмоқдалар.

Г. Василиу самимий қабул учун миннатдорчилик билдирди. У И. А. Каримовни ўзи учун қулай пайтда Кипрга боришга таклиф этди. Президент таклиф учун миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Давлат ташқи савдо алоқалари комитетининг раиси У. Т. Султонов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев, СССРнинг Кипр Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Г. Занков қатнашдилар.

Кипр томонидан суҳбатда Кипр ташқи ишлар вазири Г. Якову, ҳукумат вакили А. Фандис, Ташқи ишлар вазирлигининг бош директори Т. Панагидис, Кипр Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Х. Христофору иштирок этдилар.

Г. Василиу Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. У отаонаси эсга олган жойларга борди. Унинг отаси Василиу Васос Георгис кўп йиллар давомида сиёсий муҳожир сифатида Тошкентда ва Чирчиқда яшаган эди. Опаси Моника Тошкентда Театр-рассомчилик илмгоҳини битирган. Кипр Президенти ва у билан бирга келган опаси Чирчиқдаги отаси яшаган уйни, кўз шифокори бўлиб ишлаган касалхонани бориб кўрдилар.

Георгиос Василиу ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар Самарқандга сафар қилдилар, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ОНА СУТИДЕК БЕҒУБОР ХИРМОН

Офарин! Ўзбекистон Республикасининг лафзи ҳалол, аҳдига вафодор пахтакорлари зиммаларидаги топшириқни — пахта тайёрлаш йиллик режасини шараф билан бажардилар. Улкан хирмонга 4 миллион 450 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёси ҳадя этилди. Унинг 90 фоизи юқори навга қабул қилинди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 26 центнерга етди.

Бу миллион тонналарни яратиш йўли ғоят оғир кечди. Апрель ойидаги қулай об-ҳаво шароити рисоладагидек тайёрланган ерларга мақбул муддатларда чигит экишни таъминлаган бўлса, май бошида ҳароратнинг кескин пасайиши эса аҳволни ёмон мушкуллаштирди. Сурункали ёмғир ва жала ёғиши оқибатида ниҳолларнинг ўсиш жараёни сусайди. Устига устак, 500 минг гектар майдондаги ғўза қаттиқ шикастландики, унинг 360 минг гектаридан зиёдига уруғни қайта қадашга тўғри келди. Табиий офатдан айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари азият чекдилар. Улар 2—3 марталаб чигит экибгина қолмасдан, ана шу муҳим юмушни ниҳоятда кеч муддатда — май ойининг охири ва июннинг бошида тугалладилар. Табиат хуружи, шунингдек, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Фарғона ва бошқа районлар хўжаликларининг гуркираб ўсаётган экинларига ҳам сезиларли даражада таъсир қилди.

Экишда эртапишар нав танлангани, туксизлантирилган уруғ пушталарга қадалгани, барча даражадаги агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилгани — буларнинг бариси ғўза ривожидаги кечикиш жараёнини бирмунча қисқартириш имконини берган бўлса-да, уни бутунлай бартараф эта олмади. Қолаверса, айрим минтақаларда қуёшнинг фойдали ҳарорати йиғиндиси вегетация босқичининг охирига қадар 100—200 даражадан ортмади.

Шу боис жорий йилда ғўзани баргсизлантириш одатдагидан анча кеч бошланди. Бошқача айтганда, районлар ва хўжаликларнинг ер ҳамда иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда пайкаллардаги қўсакларнинг камида 50—60 фоизи қийғос очилгач, бу тадбир амалга оширилди. Йиғим-теримга эса ҳар қайси минтақада бултургига таққослаганда 8—10 кун кейин киришилди. Шунга қарамасдан, худди ўтган йилда бўлгани каби бу йил ҳам режа бажарилди 50 иш кунида ошириб адо этилди.

Айни чоғда машина терими топшириғи кейинги ўн йил бадалида биринчи марта адо этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ялпи ҳосилнинг 2 миллион 600 минг тоннаси, яъни 56 фоизи «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди. Ҳар машинанинг ўртача иш унуми 100 тоннани ташкил этди. Бу борада айниқса жиззахлик, сирдарёлик, қашқадарёлик ва наманганлик механик-ҳайдовчилар байроқдорлик қилиб, зиммаларидаги режани 108—125 фоиз бажардилар. Сурхондарё, Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ҳам кўзланган марра тўла-тўкис эгалланди.

Республика Президентининг пахта ва пахта толасининг харид нархини 50 фоиз ошириш тўғрисидаги фармони, Вазирлар маҳкамасининг қўлда терилган бир килограмм «оқ олтин»га 40 тийин, машинада саранжомланган ҳар тонна дурдонага 25 сўм ҳақ тўлаш ҳақидаги қарори, шунингдек, Президентнинг йиллик режага нисбатан 5 фоиз ҳамда топшириқдан ортиқча жами ҳосилни тасарруф этишни хўжаликлар ихтиёрига бериш хусусидаги фармони йиғим-теримни жадаллатишда муҳим омил бўлди. Шу билан бирга раҳбарлару мутахассисларнинг пахта яккаҳокимлигига қарши кураш, пахта майдонини қисқартириш, алмашлаб экишни жорий этиш, бедазорларни кенгайтириш, илм-фан тавсиялари, илғорлар тажрибаси, пудрат ва ижара муносабатларини қўллаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш каби муайян мақсад сари йўналтирилган ишларининг дастлабки натижалари бугунги улкан хирмонда ўз инъикосини топди, дейишга тўла асос бор.

Эришилган меҳнат муваффақиятига ғалаба ҳужжатига жумҳуриятда биринчи бўлиб имзо чеккан бухороликлар, режага қўшимча 25—30 минг тонна пахта топширган фарғоналиклару қашқадарёликлар, ҳар гектар майдондан 30 центнердан зиёд хирмон уйган наманганликлару сурхондарёликлар, ялпи ҳосилнинг 90 фоизини машиналарда саранжомлаган жиззахликлару сирдарёликлар, марра сари дадил интилаётган Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Олот, Фрунзе, Баҳористон ва Оқолтин районларининг пахтакорлари маррага биринчилар қаторида етган бўлсалар, Ромитан ва Фрунзе районларида ҳар гектар ердан 32—33,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ульянов, Оқолтин, Дўстлик районларида эса ҳозирга қадар режа 115 фоиз ва ундан ошириб уддаланди.

Ленинград районидаги Энгельс номли, Наманган районидаги «Ленинград» жамоа хўжаликларида гектар ҳосилдорлиги 41—42,5 центнерни ташкил этди. Бувайда районидаги «Коммуна» колхозининг Солия Шерқулова, Иштихон районидаги «8 Март» жамоа хўжалигининг Мамашариф Назаров, Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг Маматхон Усмонов бошлиқ бригадаларида ана шу кўрсаткич 43—49 центнерга етди.

Мавсум мобайнида юзлаб суворийлару теримчилар ўзларини кўрсатдилар. Хусусан, Киров районидаги Киров номли давлат хўжалигидан Турсун Мажидов, Пахтачи районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан Қарши Жалилов, Комсомол районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Умарали Шоматов, Норин районидаги Энгельс номли колхоздан Умматали Камолов, Оқолтин районидаги «Андижон» совхозидан Машраб Темиров каби дала гвардиячилари ўз агрегатларини моҳирона бошқариб, бункерлардан 250—310 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. Кўп мингкилограммчилар баҳсида эса Фрунзе районидаги «Мулкобод» совхозининг Раҳима Нурматова, Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозининг Гулшан Эшонқулова, Қумқўрғон районидаги «Қумқўрғон» давлат хўжалигининг Норхон Жўраева, Боёвут районидаги Пушкин номли совхознинг Хурмо Бойзоқова сингари чеварларига ҳеч ким бас кела олмади. Уларнинг ҳар бири 10—13 тонналик хирмон уйди.

Ҳозиргача 141 райондан 79 таси, 951 колхоздан 510 таси, 506 совхоздан 296 таси, 25.375 бригададан 15 мингтаси зафар қучди. Шу ҳафтанинг охирига қадар яна ўнлаб хўжалик ғолиблар қаторига қўшилади. Чунки ҳамма жойда йиғим-терим давом этмоқда. Пахтакорлар режага қўшимча 250—300 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олишни мўлжаллашяпти. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ана шу ҳосилнинг ҳаммаси ва топшириққа нисбатан 5 фоиз пахтадан тушадиган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга сарфланажак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ МЭРИЯСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЛЕНИНГРАД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЎРТАСИДА 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Санкт-Петербург мэрияси, халқ депутатлари Ленинград Вилоят кенгаши ижроия қўмитаси, бундан кейин «томонлар» деб аталади, анъанавий иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг мавжудлигини, тенглик ва ўзаро манфаатдорликни, томонларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлари учун қулай шарт-шароитлар яратишни ҳисобга олиб, қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1-модда

Томонларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларини ягона иқтисодий макон доирасида, тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро манфаатдорлик асосида амалга ошириш ҳамда бир-бирларига иқтисодий зарар етказувчи ҳатти-ҳаракатларни қилмаслик.

2-модда

1992 йил учун шартномалар тузишда 1990 йилда шаклланган маҳсулотларни ва товарларни етказиб бериш лимитлари ҳажмларини, режаларини асос учун қабул қилиш. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, мэрия, вилоят ижроия қўмитаси раҳбарияти даражасида маҳсулотлар ва товарларнинг муҳим турларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ етказиб беришни бошқариб бориш.

Тегишли бошқарув органлари орқали муҳим турлар рўйхатига кирмаган маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш учун шартномалар тузиш юзасидан назорат ўрнатиш.

Хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулотларни ўзаро етказиб беришнинг вужудга келган ҳажмларини, айниқса тармоқлар ичида ва тармоқлараро кооперация алоқалари бўйича сақлаб қолишга ёрдам бериш ҳамда корхоналар томонидан ўрнатиладиган битимда белгиланган ҳажмлардан ортиқ бевосита хўжалик алоқалари учун чеклашлар жорий қилмаслик.

3-модда

РСФСР ҳукуматининг иқтисодий органлари томонидан минтақадан ташқарига олиб кетишга квотлар ва лицензиялар белгиланадиган маҳсулотларнинг муҳим турлари бўйича Санкт-Петербург мэрияси ва халқ депутатлари Ленинград Вилоят кенгаши ижроия қўмитаси РСФСР ҳукуматида томонлар илова бўйича келишганидан кам бўлмаган ҳажмларда Ўзбекистон Республикаси учун квота белгиланишини ҳал қилади.

4-модда

Нарх-наво белгилаш соҳасида келишилган ягона сиёсатни ўтказиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларга тегишли нархларни бошқариш юзасидан биргаликда қарорлар қабул қилиш, томонларнинг корхоналари ва ташкилотлари томонидан маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) етказиб беришни шартномавий нархлар бўйича маҳсулотларнинг келишилган муҳим турлари юзасидан эса жаҳон нархлари бўйича амалга ошириш.

5-модда

Корхоналар томонидан марказлашган тартибда бошқариладиган маҳсулотлар ва товарлар етказиб беришни бажаришни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш, ўзаро маҳсулот етказиб беришларнинг қандай бораётгани ҳақида йиллнинг ҳар чорагида ахборот айирбошлашни ташкил қилиш.

Маҳсулот етказиб берувчиларнинг манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш учун иқтисодий рағбатларни ва жазоларни келишиб олиш ва қўллаш.

6-модда

Томонларнинг ўзаро розилигисиз маҳсулотларни қайта экспорт қилишга йўл қўймаслик ва бу тартибнинг бузилиши қайта экспорт қилинган маҳсулотнинг қийматини тегишли валютада тўлашга олиб келади деб ҳисоблаш.

7-модда

Қўшма корхоналар, шу жумладан, томонларнинг ҳудудларидан ташқарида жойлашган шериклар билан, тузишга ёрдам бериш.

8-модда

Томонларнинг ҳудудлари орқали корхоналарга, ташкилотларга ва фуқароларга тегишли транспорт воситалари ўтишининг мавжуд тартибини сақлаб қолиш. Томонларнинг ташаббусига кўра ташиш ва олиб кетиш, шу жумладан, ўтиб кетувчи юкларни, нефтни, газ ва электр энергиясини узатиш махсус битим билан белгиланади.

9-модда

Томонлар малакали ишчилар, мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ва қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида аҳдлашдилар. Шу мақсадларда ҳар йили томонларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида квоталар ажратишни, шунингдек етакчи саноат корхоналарида ишчи кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малака оширишини назарда тутиш.

10-модда

Томонлар корхоналарни қуришда, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда ва реконструкциялашда ишлаб чиқариш қувватларининг ихтисосини ўзгартиришда ўз лойиҳа-илмий, иқтисодий ва техник ҳамкорлик кўрсатишни лозим деб топдилар.

11-модда

1991 йилнинг 15 ноябригача томонларнинг тегишли давлат органлари ўртасида шартномалар тузишни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича протоколлар имзолашни тугаллаш.

12-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Санкт-Петербург мэрияси, халқ депутатлари Ленинград Вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш юзасидан ҳаракатларни рўёбга чиқариш учун тегишли давлат органларини ва бошқа тижорат тузилмаларини тузишни назарда тутиш ниятидадирлар.

13-модда

Томонлар Санкт-Петербург да Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, Тошкентда Санкт-Петербург мэрияси ва халқ депутатлари Ленинград Вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг доимий ваколатхоналарини очиш мумкинлиги масаласини ишлаб чиқишни зарур деб топдилар.

14-модда

Битимни бажариш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўриш.

15-модда

Мазкур битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Битим уч нусхада ўзбек ва рус тилларида тузилган ва 1991 йил 26 октябрда Санкт-Петербургда имзоланган. Матнлар айнан бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари
И. ЖУРАБЕКОВ

Санкт-Петербург мэрияси номидан
Санкт-Петербург мэри
А. СОБЧАК

Халқ депутатлари Ленинград Вилоят кенгаши ижроия қўмитаси номидан
А. БЕЛЯКОВ.

МАРРА—ЧЕГАРА ЭМАС

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ДАСТЛАБКИ ДОВОНДАН ОШДИЛАР.

Олтин куз андижонликлар учун тўкин келди. Айни чоғда уларнинг иродаси, матонати синовдан ўтказди. Ахир йил — ўн икки ой мобайнида зўр меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишнинг ўзи бўладими? Хирмонга 370 минг тоннадан зиёд оқ олтин етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 27,5 центнердан кўпроқ хом ашё саранжомланди.

Оқ пахта ҳамиша андижонликлар юзини ёруғ қилиб келган. Бу ерда ўзига хос пахтачилик мактаби мавжуд. Жўраполвон Ғойипов, Мўттихон Жумабоева, Хайрихон Эргашева, Иброҳим Бакиров, Абдусамад ота Тиллабоев, Манноп Жалолов, Турдихон Сатторова, Зокиржон Собиров, Абдукарим Мўминов каби донғи Ўзбекистонга таралган миришкорларни ким билмайди дейсиз? Уларнинг номини айни шу пахта улуғлаган, элга танитган. Айни кунларда Бўз районидан А. Маъмуралиев, У. Жўраев, комсомолободлик Г. Турдиматова, У. Алиев, олтинкўллик Т. Ўринбоев, М. Довутматова, избосканлик Т. Исоқов каби деҳқонлар уларнинг ишини дадил давом эттириб, эл рўзғорига қут-барака, дастурхонига файз киритишяпти. Улар бошлиқ жамоаларда ҳосилдорлик 34-35 центнерни ташкил этмоқда.

Сабаби, техника — деҳқоннинг қаноти, деган нақл амалда исботини топмоқда. Экин парваришидан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар машина-механизмларга таянилаяпти. Олтинкўллик А. Аҳмедов, балиқчилик О. Маметов, комсомолободлик А. Иброҳимов каби механизаторлар мавсумда 160-170 тоннадан жавоҳир терганликлари, вилоят бўйича жами ҳосилнинг 197 минг тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олингани ғоят қувончлидир.

Танти деҳқон айбни ҳеч қачон об-ҳаво ноқулайликларига тўнкамайди. Шундай бўлса-да, бу йил табиат инжиқликлари андижонликларни четлаб ўтди, деб бўлмайди. Айниқса ҳосил пишиб етилганда юз берган ёғингарчилик уларни бироз шошириб қўйди. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ирода, матонат, ишбилармонлик устун келди.

Бўз райони заршунослари вилоятда биринчи бўлиб маррага етишганди. Улар ғалабага 26 минг тонналик хирмон билан улуш қўшдилар. Карвонбошилардан кейин Комсомолобод, Шаҳрихон, Олтинкўл, Марҳамат, Балиқчи районлари бирин-кетин зафар қучишди.

Ғолиблар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, деҳқоннинг кўксига шамол тегди. У юқорининг буйруқ ва кўрсатмалари билан эмас, ўз имон-ихтиёри билан ишламоқда. Маррага вилоятда биринчи бўлиб етган Марҳамат районидаги Умрзоқ Қорабоев номли жамоа хўжалиги пахтакорларининг тажрибасини олиб кўрайлик. Улар экишдан аввал чигитни 75-80 даража иссиқликдаги сувда қарийб 10 минут ушлаб туриб, икки соат давомида димлашди. Уруғ ядросига темир кукуни обдон сингдирилгандан кейингина ерга қадалди. Натижада у барвақт униб чиқди, соғлом ривожланди, касалликка чалинмади. Ҳосилдорлик эса одатдагидан 5-6 центнер юқори бўлди. Избоскан районидаги хўжаликлари деҳқонлари эса етиштирилган ҳосилни давлатга пахта заводлари орқали эмас, балки ўзлари сотдилар.

Улкан хирмонни яратиш йўлида халқнинг ишончли вакиллари — турли тоифадаги депутатлар уюшқоқлик намунасини кўрсатганликларини таъкидлаш жоиз. Хусусан, балиқчилик Б. Раҳмонов, избосканлик А. Тиллабоев, олтинкўллик Т. Ражабов, пахтаободлик М. Эргашева, Й. Асқаров, Андижон районидан П. Имомқулов каби ўнлаб депутатлар одамлар қалбига йўл топиб, меҳнаткашларни ўз ортидан эргаштира билдилар.

Меҳнат муваффақиятида, шунингдек, эрта тонгдан кечга қадар тер тўкиб, мисқоллардан тонналарни бунёд этган кўпмингкилограммчиларнинг ҳиссаси беқиёс. Марҳаматлик Фотимахон Яхшибоева, Мақсуда Абдураҳмонова, балиқчилик Муборакхон Мирзажонова, Қимматхон Қодирова, Андижон районидан Зарифа Абдуллаева, пахтаободлик Қундузхон Қодиров каби чеварлар уйган хирмон 5-6 тоннадан ошиб кетди.

Қўлга киритилган марра — чегара эмас. Чунки далаларда ҳали ҳосил мўл. Унинг мисқолини ерда қолдириш — ноннинг ушоғини бой бергандай гап. Шу боис пахтакорлар ялпи хирмон ҳажмини 400 минг тоннага етказиш ниятида йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДОИМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Республика Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги фармонини бажаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи Вазирлар Маҳкамаси комиссиясининг навбатдаги мажлиси шу йилнинг тўққиз ойлик режаси қандай бажарилаётганига бағишланди.

Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида водопровод тармоқларини ишга тушириш режаси ошириб бажарилганлиги қайд этилди. Топшириқ Қорақалпоғистон Республикасида, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бажарилмади.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида режадаги 2030,9 километр ўрнига атиги 1666,19 километр водопровод тармоғи ишга туширилди.

Қишлоқларни газ билан таъминлаш соҳасидаги иш дурустроқ йўлга қўйилган. Тўққиз ой ичида қишлоқ жойларда режалаштирилган 2833,7 километр ўрнига 2847,15 километр газ тармоғи ишга туширилди.

Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида Республика Президенти белгилаб берган вазифаларни амалга оширишга зўр масъулият билан ёндошилди.

(ЎзТАГ).

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ТАШКИЛОТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СССР Фанлар академияси Совет Социалистик уюшмаси ҳузуридаги Тошкент жамоатчилик фикрини ўрганиш ташкилоти аҳолининг турли ижтимоий ва нуфус гуруҳлари орасида одамларнинг фикрини аниқлаш учун шошилинч савол-жавоб ўтказа бошлади. Хуллас гап бундай. Савол берилганларнинг ярмидан кўпроғи Ўзбекистоннинг яқинда давлат мустақиллигига эришганлиги иқтисодий тангликдан чиқишни тезлаштиради, деб ҳисоблайди. Бу эса айрим марказий рўзномаларнинг республика аҳолиси мустақиллик ва истиқлол тўғрисидаги ҳужжатларни қўллаб-қувватламайди, деган хабарларини рад этади. Ҳақиқатда эса савол берилган кишиларнинг бир қисмигина мустақиллик Ўзбекистон иқтисодиётини тангликдан олиб чиқишига ишонмайди.

Шуниси қизиқки, савол берилган кишиларнинг ҳар бештасидан бири яқин икки-уч йил ичида Ўзбекистоннинг иқтисодиёти гуллаб-яшнай бошлайди, деб ҳисобламоқда. Савол берилганларнинг 32 фоизи эса узоқроқ муддатни — 5-10 йилни айтмоқда. Ҳар беш кишидан бири иқтисодий юксалиш 10-15 йилдан сўнг бошланади, деб тахмин қилмоқда. Ҳар 10 кишидан бири Ўзбекистон 20-30 йилдан сўнг ва ҳатто 40-50 йилдан кейин тўла иқтисодий фаровонликка эришади, деб ўйламоқда.

Фикрларни компьютерда таҳлил этиш ўз фаразларида туб миллат вакиллари бирмунча умидбаҳш эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбарияти Олмаота шаҳрида собиқ иттифоқдош республикалар иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолаганини маъқуллайсизми? деган саволга туб аҳолининг 89 фоизи ва туб миллатларга мансуб бўлмаганларнинг 85 фоизи ижобий жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Халқ-демократик партиясини тузиш тўғрисидаги ўткир саволга берилган жавобларга қараганда фикри сўралганларнинг 45 фоизи бундай партия тузилишини қўллаб-қувватлайди, 17 фоизи қувватламайди. Бешдан бир қисми (22 фоизи) Ўзбекистон ХДП тузилишига бефарқ қаради. Сўралганларнинг олтидан бир қисми ушбу саволга жавоб қайтаришга қийналди.

Савол берилган кишиларнинг 63 фоизи Ўзбекистоннинг БМТга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида киришини қўллаб-қувватлайди. Фикри сўралганларнинг 24 фоизи талабаларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди, 66 фоизи бунга қарши.

Тошкент жамоатчилик фикрини сўраб билиш ташкилоти ҳар куни ижтимоий турмушнинг хилма-хил муаммолари юзасидан 200 дан ортиқ кишига савол бермоқда. Муштарийларнинг ўзлари ҳам ўз саволларини беришлари мумкин. Бу саволларнинг энг қизиқарлилари саволлар варақасига киритилади ва эълон қилиш учун таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни *ЛОЙИҲА*

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Йўл ҳаракати қоидаларини бузишларга қарши курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 35, 411-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-модда 1-қисмининг учинчи хатбошидан «йўл ҳаракати қоидаларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 16-модданинг 2-қисмидан «штраф солиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин ва шу қисм «муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин эмас», деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 30-модданинг иккинчи қисмидаги «транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳоллари бундан мустаснодир» деган сўзлар «транспорт воситаларини алкоголь ичимликдан, наркотик модда таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариш ҳоллари, мастлик даражасини белгиланган тартибда аниқлашдан бўйин товлаш, шунингдек ўзларининг иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган жойдан кетиб қолиш ҳоллари бундан мустаснодир» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 89-модданинг сарлавҳаси ва матнидан «автотранспорт воситалари ва бошқа» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 130^1, 130^2, 130^3, 132^1, 135^1 ва 275^1-моддалар билан тўлдирилсин:

130^1-модда. Транспорт воситалари учун кўзгусимон, шунингдек туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар ишлаб чиқариш

Тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларга зид тарзда транспорт воситалари учун кўзгусимон, шунингдек туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ишлаб чиқариш, —

фуқароларга ҳеч сўм миқдорида ва мансабдор шахсларга икки юз сўм миқдорида жарима солинишига олиб келади.

Худди шу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, —

фуқароларга икки юз сўмдан беш юз сўмгача ва мансабдор шахсларга беш юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

130^2-модда. Кўзгусимон, шунингдек туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойналар қўйилган транспорт воситаларидан фойдаланиш

Тегишли давлат стандартлари билан белгиланган нормаларга хилоф тарзда кўзгусимон, шунингдек туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, —

фуқароларга ўттиз сўмдан эллик сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Худди шу хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, —

уч ойдан бир йилгача транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга олиб келади.

130^3-модда. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган завод кўзда тутмаган товуш чиқарувчи қурилмаларни ўрнатиш, шунингдек уларни қайта тайёрлаш, —

йигирма сўм миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Транспорт воситаларига тегишли рухсатнома олмай товуш чиқарувчи ва ёритувчи махсус қурилмаларни ўрнатиш, —

фуқароларга ўттиз сўм миқдорда ва транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга — эллик сўмдан юз сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

132^1-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўл изидан белгиланмаган жойда ўтиши

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўл изидан белгилаб қўйилмаган жойдан ўтиши беш юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

135^1-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг оғир ҳаракатдаги ҳолати

Транспорт воситаларини ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ва транспорт воситаларини ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар ва

ДИҚҚАТ: ХАВФЛИ МИНТАҚА

САНОАТ ПАРРАНДАЧИЛИГИДА АТРОФ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

«Узптицепром» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг қурилиш-монтаж ишлари бошқармаси ҳузурида янги ишга туширилаётган ва ишлаб турган паррандачилик фабрикаларини созлаш, таъмирлаш, фойдаланиш борасидаги юмушларни бажарадиган хўжалик ҳисобидаги участка ташкил этилди. Унинг ташкил этилишига жиддий муаммолар сабаб бўлди. Гап шундаки, кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистонда кенг ривожланган саноат паррандачилигида атроф муҳитини муҳофаза қилиш учун чиқиндиларни қайта ишлаш ва зарарсизлантиришнинг самарали усуллари катта аҳамият касб этмоқда.

Паррандачиликда чиқиндиининг асосий қисми парранда ахлатидир. У тўшамалар билан биргаликда тупроқ, сув ва ҳавони ифлослантириш ҳавфини туғдиради. Фабрикаларда ҳар куни бир неча ўн тоннагача ахлат йиғилади. Бу эса товуқхоналардаги ҳавони булғаб турли касалликларнинг пайдо бўлишига хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари чиқиндилар чанг, ис ғази ва аммиак тарзида вентиляторлар орқали товуқхона ташқарисидаги ҳавони ҳам булғайди.

Паррандачилик хўжаликларининг зарарли чиқиндиларидан яна бири оқова сувдир. У паррандаларни суғориш тизимидан оқиб тушган ҳамда бино ва жиҳозларни ювиш натижасида қоладиган сувлардан иборат. Бундай ҳолларда оқовани зарарли аралашмалардан халос этиш учун биологик тозаланиш шарт. Одатда бу махсус сув ўтлари ўстирилган ҳавзаларда бажарилади. Масалан, Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасида шундай қилинмоқда. Оқова сувни хлорлаш ҳам яхши самара беради. Бинобарин бу жараённи амалга ошириш мажбурийдир.

Ўйлаймизки, юқорида баён этилган тафсилотларнинг ўзи товуқхоналардаги чиқиндиларни канализация тизими ва тозалаш иншоотлари орқали ўз вақтида оқизиш ёки гўнгни қайта ишлаш, ундан ўғит тайёрлашни йўлга қўйиш нақадар муҳимлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам «Узптицепром» махсус хўжалик ҳисобидаги участка ташкил этиб, унга малакали ишчилар, мутахассисларни жалб этди. Атроф муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган муҳандислик объектлари узлуксиз ишлашини таъминлашга эътиборни қаратмоқда. Бинобарин, кейинги пайтларда табиатни муҳофаза қилиш ва зарарсизлантиришнинг самарали усуллари катта аҳамият касб этмоқда.

Паррандачиликда чиқиндиининг асосий қисми парранда ахлатидир. У тўшамалар билан биргаликда тупроқ, сув ва ҳавони ифлослантириш ҳавфини туғдиради. Фабрикаларда ҳар куни бир неча ўн тоннагача ахлат йиғилади. Бу эса товуқхоналардаги ҳавони булғаб турли касалликларнинг пайдо бўлишига хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари чиқиндилар чанг, ис ғази ва аммиак тарзида вентиляторлар орқали товуқхона ташқарисидаги ҳавони ҳам булғайди.

Паррандачилик хўжаликларида текшириш ўтказдик, — дейди экология масалалари билан шуғулланувчи механизация бўлимининг етакчи мутахассиси Г. Мирзакаримова. — Кўпгина фабрикаларда маълум ишлар бажарилгани ва у ҳозир ўз самарасини бераётгани аниқланди. Энг муҳими, қўйилган вазифалар ечими қанчалик мураккаб бўлмасин, қанчалик ҳаражат талаб қилмасин, паррандабоқарларнинг қўлидан келадиган иш эканлигига ишонч мустаҳкамланди.

Бунга мисол тариқасида Гулчеҳра Раҳимова Нукус бройлер фабрикасининг тажрибасини сўзлайди. Атиги бир йил бурун ушбу корхонанинг ёпилишига бир баҳя қолганди. Актда қайд этилишича, корхона атроф муҳитини ҳаддан ташқари булғаган. 1991 йил режасидаги тадбирларда ана шу корхонада тартиб ўрнатиш кўзда тутилди. Корхона ҳам, бирлашма ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди. Натижада белгиланган тадбирларнинг асосий қисми уддаланди. Тозалаш иншоотлари ишга туширилди, оқар сув хлорланмоқда ва биологик тозалашдан ўтказилмоқда.

Бетондан ишланган тўртта гўнгхона қурилди. Бу ерда сақланган парранда гўнги маълум муддатдан сўнг ўғит ишлаб чиқаришга олинади. Ҳаво таркиби зоогигиеник талабларга жавоб берадиган ҳолатга келди. Нукуслик паррандабоқарлар эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасликлари, аксинча табиатни муҳофаза қилиш объектларининг ишларини янада такомиллаштиришлари даркор. Бинобарин, ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ҳали тўлиқ ўзлаштирилгани йўқ. Тахиатош паррандачилик фабрикаси ҳам текширилган эди, мутахассисларнинг хулосасига кўра бу ердаги тозалаш иншооти қайта қуришга муҳтожки, уни сира пайсалга солиш мумкин эмас.

Гулистон наслли паррандачилик фабрикасининг тозалаш иншооти ҳам ночор аҳволда. Паррандачилик хўжалиги иншоотни таъмирлаш мақсадида хўжалик ҳисобида участка билан шартнома тузди. Ишлар бошландию кўп ўтмасдан тақа-тақ тўхтади. Сабаб? Керакли жиҳозлар йўқ эмиш. Республикадаги энг кекса корхоналардан бири Ғаллаорол паррандачилик фабрикасида ҳам тозалаш иншооти етти йилдан буён «қурилмоқда». Уни «Джизакоблагрострой»га қарашли 2-трест амалга ошираяпти. Афсуски, қурувчилар бригадаси иншоотда онда-сонда кўринишади. Буюртмачи шунча йилдан буён сабр-тоқат қилиб келаётганига ажабланасан, киши.

Умуман, «Узптицепром» тизими бўйича табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ажратилган маблағларни ўзлаштириш кўнгилдагидек эмас. Холисона айтсак, ҳар йили 60-70 фоиз атрофида ўзлаштирилмоқда. Бунда фақат пудратчи ташкилотларгина айбдор эмас. Тармоқда бир неча йилдирки, «Узптицестроймонтаж» трести савлат тўкиб турибди. Ҳолбуки, у ҳам тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга даъват этилган. Амалда нима бўлаяпти денг? Унинг ғаладонидаги буюртмалар сонини ҳисобласангиз, бир иккитадан ошмайди.

Илгари атроф муҳитини муҳофаза қилишга бармоқ орасидан қаралгани ва хўжасизлик оқибатида бир қатор паррандачилик фабрикалари қурилиши тозалаш иншоотларисиз қабул қилинаверган. Ҳозирги кунда уларнинг сони йигирмага яқинлашади. Бухоро, Сирдарё, Қамаши, Хонқа парандачилик фабрикалари, Октябрь 60 йиллиги номли наслдор паррандачилик фабрикаси шулар жумласидан. Бу корхоналарда тозалаш иншоотлари ё қурилмаган, ё тўла қувват билан ишламайди, ёки жиддий камчиликлар билан қабул қилинган.

Саноат паррандачилигида атроф муҳитининг мусаффолиги учун курашнинг бошқа қирралари ҳам бор. Чунончи ихтисослаштирилган хўжаликлар фақат паррандалар соғлом бўлгандагина, юқумли касалликлар тарқалмаганда муваффақият қозонади. Буни Хива паррандачилик фабрикаси мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ерда қатъий диагностик назорат, касалликларнинг олдини олиш йўлга қўйилган. Қушхона, инкубация ва бошқа цехларнинг чиқитларидан фойдаланишга жиддий эътибор берилади. Кўп фабрикаларда бу чиқитлардан озуқа уни тайёрланади. Унинг таркибида қариб 50 фоиз протеин, оқсилли бирикмалар, витаминлар мавжуд. Ўнга яқин паррандачилик корхонаси парранда патидан ёстиқ ва одеяллар тайёрлашни ўзлаштирган. Кўриб турибсизки, чиқиндидан ҳам фойда олса бўлар экан. Парранда гўнгини компост қилиб талай фойда олиш мумкин. Қувасой паррандачилик бирлашмаси қошидаги кооператорлар бунинг уддасидан чиқаяпти.

Қиссадан ҳисса шуки, паррандачиликда табиатни муҳофаза қилиш муаммолари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, чиқитсиз технологияни жорий этиш, ветеринария ва зоотехника маданиятини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

И. АХМЕТОВ.

Қашқадарё вилояти. Китоб район халқ истеъмол моллари фабрикаси кулолчилик цехи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури яна 20 тага кўпайди. Жорий йилда корхона кулоллари 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилишган. Бу эса ўтган йилда эришилган натижадан 220 минг сўмлик кўп демакдир.

Ҳозир корхонада 120 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

СУРАТЛАРДА: кулолчилик цехи бошлиғи Ҳамдам Ғаниев ва рассом Маъсуда Йўлдошева; қолипловчи Замира Ибодова.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

Астағфурилло!

ДУШМАННИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ...

Бюрократия. Бу сўз бизга четдан кириб келган. Тилчиларимиз уни каттазанглигу, тўрачилик деб ўгиришди, бўлмади — ўзбекча муқобили йўқ экан. Юртимиз меҳмонлари олиб келган бу услуб «қорни» тўйгач эгасига қўшилиб қайтиб кетар, дейишди. Лекин улар адашган эканлар. Бу шаклу шамойил тез орада имзо чекишда суяги қотган айрим тўраларимиз томонидан шундайича ўзлаштириб олинди — ҳайратдан ёқа ушлашингиз тайин. Бунинг устига у юқоридан пастга шу қадар хуфёна илдиз отиб кетдики, ё тавба, синчковроқ қарамасангиз сезмайсиз ҳам. Унинг қўлию оёғи, ҳатто боши ҳам йўқ, аммо ишингизни чувалатиб юборса, у идорадан бу идорага бўзчининг мокисидай зир югураверасиз. Ишонмасангиз, ана «Ўзколхозқурилиш» давлат кооператив бирлашмасидаги раҳбардан сўранг, тоқатингиз етса бас, бор гапни эшитаверасиз.

Аслида ҳамма машмашага Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 майдаги 118-сон қарори билан «Ўзбекистон жамоа хўжаликлари қурилиши» бирлашмаси «Ўзагроқурилиш» идорасидан ажралиб чиқишию бу икки ташкилот ўртасидаги барча тақсимот 6 июлгача тугалланади, дейилгани сабаб бўлди. Афтидан «Ўзагроқурилиш» жумҳурият бирлашмаси бош раҳбари Искандар Юсуповга идорасининг «кичрайиб» қолганию буйруғига маҳтал турувчиларнинг сони камайиб кетгани ёқмай қолгандир. Лекин бу иккала бирлашмаларнинг 29 майдаги қўшма буйруқларига биноан «Ўзагроқурилиш» идорасининг Янгийўл хўжалик ҳисобидаги марказий базаси «Узколхозқурилиш»га берилгани рост. «Ўзагроқурилиш»чилар база «қўлдан кетган»дан кейин «қовун туширилганини» сезиб қолишди. Ахир барча таъминотчилар билан 1991 йил учун тузилган шартномаларда қурилиш «хом ашё»сини Янгийўлга туширишни белгилаб қўйилган эди-да. «Ўзи-ку қурилиш материаллари танқис (тағин базани ўзимиз қўш қўллаб бердик), энди собиқ базамизга тушадиган материални илгаридан ишлаган йигитчадан илтимос қилиб оламизми, дея нафсоният устун келиб, ваҳимага тушиб қолишди. «Ўзагроқурилиш»нинг ишлаб чиқариш ва технологик комплектация бўйича жумҳурият бошқармаси раҳбари Ғафур Исмоилов «Правда Востока» рўзномасига Янгийўлдаги базамиз тугатилди, деб эълон бериб юборди. Ва 13 август куни эълон рўзномада чиққач (кўпайтириб), таъминотчиларга жўнатди. Аслида эса Янгийўл хўжалик ҳисобидаги база «Ўзколхозқурилиш» ташкилотига ўтгач, номини ўзгартирган эди, холос. Оқибатда икки бирлашма раҳбарлари ўртасидан «қорамушук» ўтиб қолди. Хўжалик ҳисобидаги база бошқарувчиси Шуҳрат Исаев: «Базамизни огоҳлантирмасдан, тугатиш комиссияси тузмасдан рўзномага эълон берибсиз, унда бирлашмангиз биздан олган 5937000 сўм қарзини» бутқул тугагунимизча» — 13 сентябрга қадар тўлаб қўйсин, деб Ғ. Исмоиловга расмий сўров юборди. Табиийки, Ғ. Исмоилов, бу қоғозни олгач, бирлашма раҳбари ҳузурига чопди. Бош раҳбар ҳукумат аъзоси эканини кўрсатиб қўйгиси келдими, дарров Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси раҳбари В. Желтоуховга мурожаат қилиб, қурилиш материаллари ортилган вагонларни Янгийўлга эмас, «Ўзагроқурилиш»нинг Келес базасига юборишни сўрайди ва яна Янгийўлдаги базани тугатдик, деб эслатади. Яхшики, навбатдаги бу найрангни «Ўзколхозқурилиш» кузатувчилари ўз вақтида сезиб қолишди ва Вазирлар маҳкамасига арз қилишди. Фақат 4 июлдагина Президентимиз ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Жўрабековнинг аралашуви билан бу найрангбозликка чек қўйилди. «Ўзагроқурилиш» раҳбарлари шундан кейин ҳам ниятларидан қайтишмади. Бу сафар улар Ўрта Осиё темирйўллар бошқармасининг Тошкент шаҳар дирекциясига мурожаат этиб, вагонлар йўналишини Келес базасига буриб юборишни талаб этишади.

Қаранг, бошлиғингиз ҳукумат аъзоси бўлса ҳар қандай қонун-қоидани четлаб ўтишингиз, матбуотда беписанд қарашингиз мумкин экан (Жа-а ғалати замонда яшаяпмиз-да, тағин ҳаётимиз тез орада яхши бўп кетади, деб ўзимизни-ўзимиз овутамиз ҳам).

...Калаванинг учини қидириб Янгийўл ва Келесдаги базаларда бўлдим. Келесдаги базанинг Янгийўлдаги базага нисбатан икки баравар кичиклигию қурилиш материалларини сақлаш, уни жойлаштириш учун мосланмаганини кўриб ҳайратга тушдим. Бирлашма раҳбарларининг саъй-ҳаракатларию базанинг иш кўлами — майдони бир-бирига тамоман тескари денг. Ҳа, гоҳида давлат миқёсида ҳам қош қўяман деб кўз чиқариб юбориш мумкин экан. Фақат «чиқарилган кўзни» қайта-қайта уқалаб, хатони баттар газак олдириш айбдорнинг ўзинигина эмас, бутун жамоани жар ёқасига келтириб қўяди. Бюрократнинг ана шундай вазиятда ҳам босиқлигига қойил қоласан. Офарин!..

Мана, **битта эълон** билан Янгийўлдаги хўжалик ҳисобидаги базанинг **собиқ иттифоқдаги жуда кўп ташкилотлар** билан узоқ йиллик ҳамкорлигига раҳна солинди. Ҳадемай аҳвол ўзгармаса базанинг юздан ортиқ ишчиси бекор қолади. Вазиятни ўнглаш ниятида «Ўзколхозқурилиш» бирлашмаси раҳбарияти Янгийўл базасининг номи ўзгарганлиги тўғрисида «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаларига эълон бериш-ди. Сўнг 4 сентябрда босилган эълон кўп нусхаларда кўпайтирилиб таъминотчиларга юборилди. Чунки 1991 йил иккинчи ярмида Янгийўлдаги базага юборилиши зарур бўлган металл, ойна, фанер, шифер ва ҳоказо материаллар келмай қолган, бунинг оқибатида «Ўзколхозқурилиш»га қарашли объектларда иш суръати кескин тушиб кетган эди. Албатта ўз хўжалигида қурилиш материаллари танқислигидан озор чеккан қишлоқлардаги хўжалик раислари «Ўзколхозқурилиш»дан норози бўлишди. Ҳукумат белгилаб берган иқтисодий бўлинишнинг асоссиз чўзиб юборилаётганию юкли вагонларнинг Келесга туширилаётгани, келган қурилиш материалларининг икки бирлашма ўртасида адолатсиз тақсимланаётгани билан унинг иши йўқ. Дарвоқе, вагонлар нега иккинчи бор Келесга юборилаяпти, бунинг асоси бормикин, деб Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли Тошкент дирекциясида ҳам бўлдим.

— Бизда расмий хат бор, шунга асосланганмиз, — дейди бошлиқ ўринбосари Владимир Аппазов. Дарҳақиқат, Келесдаги жумҳурият хўжалик ҳисобидаги база бошқарувчиси Т. Қурбонов Янгийўлдаги база тугатилганлиги сабабли вагонлар йўналишини Келесга буришингизни сўраймиз, деб расмий қоғоз ёзиб берар экан ва бундай илтимосномаларни В. Аппазовнинг папкасидан истаганча топишингиз мумкин. Ҳўш, йўналиш ўзгаргани учун жарима-маблағни ким тўлайди? Тағин «Ўзколхозқурилиш» бирлашмасими?..

Ва яна бир саволга жавоб тополмайман. Бошқа жумҳуриятдаги **таъминотчи ташкилот иккала эълонни олгач,** қай аҳволга тушган экан. Менимча у **учинчи бир шахсни** топади. Оқибат эса жумҳуриятимиз қурилиш материалларисиз қолади. Мана «каттакон»лар тортишувининг касофати, раҳбарлар бир-бири билан «беллашадию» жабрини боғча, мактаб, маданият уйи қураман деб (пулини қўлтиқлаб, қайси эшикка мўралашни билмай) юрганлар тортишади. Балки Искандар Юсупов «Ўзколхозқурилиш» бирлашмасининг (жамоа хўжаликларнинг пулини олиб) ишлари юришиб кетишидан, бир кун келиб ўзига рақобатчи туғилишидан чўчиётгандир. Балки у шунинг учун ҳам «Ўзколхозқурилиш» бирлашмасини иқтисодий қамал қилишга, уни «туғилмасидан» бўғиб ташлашга интилаётгандир.

У киши (шу масалада) мен билан суҳбатлашишни истамади... Ғафур Исмоиловга учрашинг, дедилар. Начора... Учрашдим, у ҳаммасини ёзиб бераман, деди. Ишондим. Афсуски... У мени ўн беш кун овора қилди, оқибат дейсизми? Ҳеч нарса.

Ўзбеклардан бири пешонасига шапатилаб «бизга душманнинг кераги йўқ, ўзимизни ўзимиз ғажиб адо қиламиз», деган экан. Билиб айтган қўринади, а, лаббай, сиз нима дейсиз?!

Абдунаби ЭРГАШ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

КИЙГАНИНГИЗ ШОҲИ АТЛАС БЎЛСИН

Намангандаги аврли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатсевар ишчилар — халқпарвар мутахассислар кўп. Таъбир жоиз бўлса, Муҳаммаджон Каримовни уларнинг сардори дейиш мумкин. М. Каримов корхонага 1974 йили шогирд бўлиб ишга келганди. Сўнг устага ёрдамчи бўлди. Олийгоҳга ўқишга борди. Битиргач, яна қадрдон жамоасига қайтди. Чилангар, уста, катта уста, цех бошлиғи, ишлаб чиқариш мудири, бош муҳандис муовини ва бош муҳандис вазифаларида фаолият кўрсатди. 1986 йилдан бирлашмага бош директор бўлди. Ўзбекистон халқ депутатлигига сайланди. Инсоннинг бир жамоада шунчалик ҳурмат-эътибор топиши осон эмас. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Мен мусоҳаба қилишга у қадар шошилмадим. Баъзан шундай бўлади. Суҳбатдошингга мақсадингни айтгач, муддаони дарров англаб оладида, бийрон-бийрон сўзлайди. Ишининг икир-чикиригача ҳикоя қилади, гап орасида «камчиликларимиз бор» деб бир-икки далил келтириб қўяди. Бамисоли бошқа хатолар йўқдай.

— **Жумҳуриятнинг мустақиллик куни белгиланганда нималар ҳақида ўйладингиз? — сўрайман суҳбатдошимдан.**

— Биласизми, ўша дақиқада сессия мажлисида эдим. Ифодалаб бўлмайдиган руҳий тетиклик, қониқиш, ғурурланишни сездим ўзимда. Ўзбекистонимиз қозон-товоғи алоҳида бўлиб олган оилани эслатади менга. Энди у ўзи хоҳлаганини пиширади, ейди. Энди ў ўзи экканини ўзи ўради, энг муҳими ўзи тақсимлайди. Шарқ мутафаккирларининг бири шундай деган эди: «Озод бўлиб туғилгансан, мудом озод бўлиб қол!» Озодликка нима етсин. Уни ота-боболаримиз сўзи билан «ёмон кўздан асрасин» дейман.

— **Мустақилликни мустаҳкамлаш учун нима қилиш керак?**

— Аввало яхши ишлаш керак. Ҳар бир одам ўз бурчини англаши, шунга яраша ҳаракат қилмоғи зарур. Энг муҳими матонат билан қўйилган қадамни ҳимоя қилиш керак. Унинг ижодкорлари — жумҳурият Президенти, парламенти ва ҳукумати атрофига мустаҳкамроқ бирлашиш зарур. Қўшни жумҳуриятлар, қардош элларда бўлаётган ноҳуш ҳолатлардан жиддий сабоқ чиқарайлик. Бу фақат менинг эмас, кўп минг сонли ишчиларимизнинг фикри.

— **Одамлар сиёсатдон бўлиб қолдилар. Бу ишлаб чиқаришга таъсир этмаяптими?**

— Бизда 70 нусхадан ортиқ газлама тайёрланади. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш режамиз 20,5 миллион метр. Бирлашма бўйича соф даромад 50 миллион сўмдан юқори.

Бу рақамлар ортида жамоамиз меҳнати бор. Одамларимиз яхши. Улар ҳалол ишлашади. Дастгоҳларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйишмайди. Иш ҳақи ҳам шунга яраша бўляпти. Асосий касбдагилар ўртача 700-800 сўмдан, бошқалар 450, шогирдлар эса 250 сўмдан ойлик маош олишяпти. Улар тушки овқатга ўртача 1,5 сўм сарфлаётган бўлсалар, бунинг бир сўмини бирлашма ажратаяпти.

• Депутат ҳисоботи

— **Бошқа ижтимоий масалалар хусусида ҳам гапирсангиз.**

— Умуман одамларга зарур шароитлар яратиш кундалик ишимизга айланган. Ҳозирда шифохона, поликлиника, тиш даволаш поликлиникаси, болалар боғчалари уларнинг хизматида. Беш ёшгача фарзанди бор оналарнинг иш соатини камайтирганмиз. Қарилик нафақасига чиқаётганларнинг ҳар бирига 2000 сўмдан пул бераяпмиз. Боқувчиси йўқ фуқароларга эса моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Айтаберсак гап кўп. Ахир жамоанинг ҳисобида миллионлаб сўм маблағ бўлатуриб ишчининг ҳаёти бир алпозда бўлса, инсофданми?

— **Ҳақ гап. Мана сиз — халқ нонбисиз. Шунча юмуш, ташвишингиз бўлатуриб сайловчилар билан ишлашга қандай улгураяпсиз?**

— Изланган одам имконият топади. Юз ўринли муолажахонага шифобахш сув чиқариш, 800 ўринли маданият саройи, 280 ўринли болалар боғчаси, 720 ўринли билим юрти бинолари қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Ҳатто бу иншоотларнинг баъзиларида иш ҳам бошланди. Ҳозирги кунда пиллакашлик корхонасининг чиқиндиларидан қазна ипак ишлаб чиқарадиган фабрика қуриш ҳаракатидаман. Швейцария фирмаси вакиллари бу масалада бизга ёрдам беришади.

— **Қабулингизга ёрдам сўраб келаётган одамларнинг тақдири нима бўлаяпти?**

— Унақалар афсуски бизда жуда кўп.

Суҳбатдошим олдимга қалин дафтар ва бир тахлам хатларни қўйди. Мактубларнинг бири Наманган шаҳридаги Марғилон кўчасининг 5-тор кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан битилган экан. Улар ҳозиргача хонадонларига газ ва водопровод туширилмаганидан шикоят қилишган. «Наманган шаҳрининг, на районнинг ҳудудига аниқ кирмаган жойнинг аҳволи шу, — дея ёзишибди улар. — Ҳайриятки, депутатимиз ёрдам берди. Рамазон ойида тоза сув ичадиган бўлдик. Зангори олов хизматидан ҳам фойдаланяпмиз».

Биринчи иттифоқ маҳалласида истиқомат қилувчи оқсоқоллар ҳам уйларига газ, водопровод келтирилгани, маҳалла қўмитаси идораси учун янги бино қурилаётгани, янги қад ростлаётган масжидга ёрдам берилаётганидан мамнун эканликларини билдиришган. Айниқса, ёлғиз, қаровчиси йўқ бўлган Қумрихон Рустамова, Мастонбу Нишоноваларга депутат кўмагида янги уй қуриб берилганидан бутун маҳалла хурсанд эканлигини баён қилишган.

— **Ҳозир кўпчиликнинг фикри-хаёли ўтиш даври қийинчиликлари, тақчилликлари билан банд. Эртанги кунга ишонч қолмагандай ҳис қилади ўзини.**

— Биз шунинг олдини олишимиз керак. Бирлашмамизда 7000 нафар одам ишлайди. Уларнинг ҳар бирида ўртача 4-6 нафардан боқиманда, халқ тили билан айтганда «бир этак бола» бор. Иложи борича ғамхўрлик кўрсатаяпмиз. Ҳеч кимни хафа қилиб, бефарқ қолдириб қўйганимиз йўқ. Биласиз кўп нарса даромадга боғлиқ. Бунинг учун эса маҳсулот сифатли бўлиши керак. Корхонамиз табиий ишлаб чиқаришга мослашган. Пилланинг сифати ниҳоятда юқори бўлиши зарур. Ана шунда таннарх арзонлашади.

1987 йилда 323 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 366 миллион сўмни ташкил этди. Ёки 113,3 фоизга ўсди. Ниятим, бирлашмамизнинг бундан буёнги иши беш, мустақил жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи опа-сингилларимизнинг ишларини шоҳи — атлас бўлсин.

Раҳимжон ИРИСОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ НАШРИЁТ

«Наврўз» янги нашриёти истеъдодли ёш адиблар, шоирлар, адабиётшунослар, драматурглар ва танқидчиларнинг ижодини оммалаштиришга мўлжалланган. У Тошкент вилоят Матбуот комитети хомийлигида тузилди.

«Наврўз» фаолияти ўз харажатларини ўзи қоплашга мўлжалланган. Муаллифлар бу ерда ўз асарларини ўз пуллари ҳисобига нашр эттирадилар.

ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ аҳолиси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Меҳнат жамоалари, фуқаролар ҳур республикамизнинг умумхалқ сайлайдиган биринчи Президентни сайловигача бефарқ қарамасликларини изҳор этмоқдалар. Қонун лойиҳаси муҳокамаси билан бирга президентликка номзодларни кўрсатиш, бу олий лавозимга муносиб кишиларнинг номларини ҳам тилга олишяпти.

Фарғонада Ўзбекистон Президентлигига номзод кўрсатиш ташаббускор гуруҳи иш бошлади. Бу норасмий гуруҳ вилоятдаги ҚҚСР халқ депутатлари, Ўзбекистон, вилоят, район советларининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан тузилди.

Гуруҳнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун қабул қилингунга қадар, меҳнат жамоалари ўртасида жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг айни кунларда олиб бораётган хайрли ишлари, жумҳурият мустақиллиги йўлидаги жасоратли хизматлари, халқимиз томонидан катта манфаатдорлик, хайрихоҳлик билан кутиб олинган фармонларини қўллаб-қувватлаш, тарғиб-ташвиқот қилишдан иборатдир.

Гуруҳнинг асосий вазифаларидан яна бири ҳозирги даврда республикамиз Президенти шаънига айтилаётган, фаолиятига қўйилаётган асосий айблар, туҳмат, ғиғвогарона хуружлардан уни ҳимоя қилиш, ҳақиқатни халққа етказишдан иборатдир.

Ташаббускор гуруҳ номидан:

Абдужаббор ҲУСАНОВ, СССР халқ депутати, СССР Олий Кенгаши аъзоси;

Аваэхон МУХТОРОВ, Марғилон шаҳар прокурори, вилоят Совети депутати;

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти болалар фонди қошидаги «Гулдаста» кичик корхонаси аҳолига, корхоналарга, ташкилотларга ва бошқа муассасаларга КамАЗ 5320 ҳамда КамАЗ 5410 юк ташувчи автомобиллари билан транспорт хизмати кўрсатади.

Тузланган, қуритилган қўй териларини сотади.

Бундан ташқари чорва моллари учун қуйидаги вакциналарни товар айирбошлаш усули билан чорва молларига алмаштиради:

1. Гамма глобулин.
2. Лактобактерин.
3. Бифидумбактерин.
4. БЦЖ катта қорамоллар учун.

Манзилгоҳимиз: Тошкент-50, Семашко кўчаси, 155.

Телефонлар: 56-17-67, 66-31-44.

Наманган бадиий буюмлар фабрикаси жамоаси 9 ойлик режасини анча ошириб бажарди. Бу ютуққа, айниқса синов-эксперименталь цехи муносиб ҳисса қўшдилар. Улар 48 минг сўмлик ўрнига 87 минг 400 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Суратда: илғор попончи Ҳидоятхон Абдуқаҳҳорова. Бу чевар ойлик режаларини 125-130 фоиз адо этиб, ҳамкасблари ўртасида пешқадамлик қилиб келмоқда.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ХУШХАБАРЛАР

САМАРҚАНД — АМЕРИКА ТЕЛЕМУЛОҚОТИ

Америкадаги Эй-би-си Ньюз телекомпанияси журналистлари гуруҳи Самарқандга келди. Бу гуруҳ қадимий шаҳар тўғрисида махсус кўрсатув тайёрлаш ўз мақсади эканини айтди.

Тележурналистлар шаҳар турмуши ва ҳаёти билан, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан сўнг амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишиш истагини билдирдилар.

— Биз Самарқанднинг ноёб тарихий меъморчилик ёдгорликларини суратга олдик, — деди телекомпания мухбири Том Нагорски. — Бу суратлар қадимий миллий анъаналар, урф-одатлар ва қадриятлар тикланиши, янги муносабат, шаҳарда очилган мадраса ва масчит тўғрисида ҳикоя қилувчи кўрсатувга киритилади.

БОБУР НОМИДАГИ МУКОФОТ

Андижон вилоятида Бобур номидаги мукофот таъсис этилди. Бу Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси вилоят комитетининг ташаббусидир.

Бу ташаббусни тасодифий деб бўлмайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур «Бобурнома»да боғларга бурканган Андижон, унинг ширин мевалари, узуми ҳақида завқ-шавқ билан ёзган. Лекин ҳозирги пайтда Андижон боғларининг шуҳрати анча сўнди. Бу шуҳратни тикламоқ керак. Ташаббускорларнинг муддаоси ҳам шудир.

Таниқли қишлоқ хўжалик мутахассислари, халқ соҳибкорлари, олимлар, колхоз қурилиши фахрийларидан иборат мўътабар ҳакамлар ҳайъати вилоят шаҳарлари ва районларидаги энг муносиб боғбонлар, полизчилар ва соҳибкорларни аниқлайди.

АКТЁР ХОТИРАСИ

Нукус санъат саройида таниқли қорақалпоқ актёри Дўстберген Рановнинг 50 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Комил Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз» асари асосида саҳналаштирилган спектаклда В. И. Ленин ролини ижро этиш унга шуҳрат келтирди.

Д. Ранов бундан беш йил олдин фожиали ҳалок бўлган эди, лекин унинг хотираси санъатсеварлар қалбида сақланмоқда. Кечада сўзга чиққан касбдошлари, дўстлари, маданият арбоблари шу ҳақда гапирдилар.

(ЎзТАГ).

Воқеаларни ёзиб кезганда...

БАРЛОСЛИКЛАР ЖАМИЯТИ

Бахмал районидаги «Рассвет» давлат хўжалигида А. Навоий номли 32-ўрта мактаб учун янги бино қурилмоқда. Уни йил охирида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Яқинда мактаб ҳовлисида буюк бобокалонимизга ёдгорлик ўрнатилди. Қизиғи шундаки, ёдгорликни тиклаш учун Барлос қишлоғи аҳолиси 10 минг сўм тўплаб берди.

А. МАМАРАСУЛОВ.

ЧАҚАЛАР ҚАЕРГА ЙЎҚОЛДИ!

Қизилқум минтақасидаги шаҳар ва қишлоқларда пул-чақалар камайиб кетганлиги сабабли автотранспорт, магазинлар, хусусий дўконларда можаролар келиб чиқмоқда.

СССР пул зарб қилиш давлат корхонасидан хабар қилишларича хом ашё, яъни чақалар ясаладиган металл камлигидан шундай бўлаётган экан. Нима қилиш керак? Зарафшонда ўзига хос йўл топишди. Шиша идишларни алмаштириш, кофе, вино-ароқ маҳсулотларини фақат танга чақаларга сотадиган бўлишди. Пулни эса банкка топширишмайди, балки яна савдога қўйишади. Афсуски, Навоий, Бухоро шаҳарларида бошқа айрим аҳоли пунктларида маҳаллий маъмурлар ҳанузга қадар ана шу янгиликка йўл очиб бермаяптилар.

К. БЕЛУГИНА.

«МУРАББИЙ»НИНГ ИЛК СОНИ

НАМАНГАН. Вилоят зиёлиларининг янги рўзномаси «Мураббий»нинг дастлабки сонлари муштарийлар қўлига тегди.

Янги рўзнома ҳар ойда икки маротаба ўттиз минг нусхада босилади.

ИМТИЁЗ

Шу кунларда Ю. Музаффаров, Ж. Юсупов, П.Бреус каби косонсойлик 11 нафар уруш фахрийсининг қувончи чексиз. Улар жумҳурият президентининг уруш қатнашчилари, боқувчисиз қолган оилалар, ўқитувчиларга имтиёзлар яратиш ҳақидаги фармонларига асосан коммунал уй-жойларининг ҳақиқий эгалари бўлишди. Косонсой шаҳрида истиқомат қилаётган 50 нафар ўқитувчи ҳам ана шундай имтиёздан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари коммунал уй-жойларда яшаб турган 20 нафарга яқин киши ижара ҳақи, электр, газ, иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа хизматлари учун тўланадиган ҳақдан озод қилинди.

Р. ИРИСОВ.

ЭНДИ ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Ўртачўл совхозида зовурлар, заҳкашлар, ариқлар бўйида ўсган қамишлар илгари ёқиб юборилар, бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келарди.

Қизилтепа районида чиқадиган «Қизил тонг» рўзномасида «Қамишларни ёқиш керакми?» сарлавҳали мунозарали мақола босилганидан кейин аҳвол ўзгарди. «Зарбдор» давлат хўжалиги мутахассислари бригада бошлиқлари, пудратчилар қўшни чорвачилик районлари билан шартнома туздилар. Конимех районига ҳар тонна хўл қамиш ўттиз етти сўму 50 тийиндан сотилмоқда. Амалдаги йилнинг ўтган даврида чорвадорлар 300 тоннадан зиёд шундай озуқани олиб кетишди.

Давлат хўжалиги чорваси қурилишлари учун ҳам қамиш ўрилмоқда. Иқтисодчи У. Исмоиловнинг айтишича яқин ойларда аҳолига уй қурилиши учун қамиш боғламлари сотилади.

Б. ЭГАМОВ.

ЎЗ ЗАҲИРАЛАРИ ҲИСОБИДАН

Андижон тажриба ремонт-механика заводи ходимларига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун бир вагон ёғоч-тахта сотилди. Тақчил қурилиш материали завод бу йил ўзаро манфаатли шартнома тузган Красноярск ўрмон саноати хўжалигидан олинди.

Бу корхонада ишлаб чиқилган ижтимоий дастурнинг бандларидан биридир, холос. Ҳамма нарса тақчил бўлиб, пулнинг қадрсизланиши ошиб бораётган даврда завод меҳнатчиларини қўллаб-қувватлаш учун бу ерда турли заҳиралардан фойдаланишмоқда. Жумладан, ҳар бир ходимга 20 килограммдан картошка ва пиёз бепул берилди. Жамоа фахрийлари 100 сўмлик компенсациядан ташқари қўшимча устама ҳақ олишмоқда, заводда ишлаётганларнинг барчасига ошхонада овқатланганлиги учун ҳақ тўланмоқда.

(ЎзТАГ).

Инсон ва ахлоқ

АДАШГАНМИШ...

АКРОМ Қосимов ёши кирқни қоралаб қолган йигит. Маълумоти ўрта махсус — Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини битирган. Кўриниб турибдики, маълумоти ҳам, эс-хуши ҳам жойида. Шундай бўлишига қарамай, кап-катта йигит, «нега ноқонуний ишга қўл урдингиз?» деган саволга «адашдим» дея жавоб бериб турса, ишонасизми? Йўқ албатта. Бу жавобига Акромнинг ўзи ҳам ишонмайди. Лекин нимадир дейиш керак-да. Адашадиган одам, қўлига қишлоқ хўжалигини гуллаб-яшнатишга ҳисса қўшишга даъват этилган дипломни олгандан кейин нуқул «ёғлиқ» жойларни қидириб юрадими? У 1972 йилдан 1985 йилгача Коммунистик район ҳалқ таълими бўлимида ишлади. Болаларга механизациядан дарс бергандир, деб ўйларсиз. Асло! Экспедиторлик қилди. Сўнг, ўзининг гапича, уч йил район «Сельхозтехника» ташкилотида инженер бўлиб ишлабди. Бу иш, барибир, унинг мижозига тўғри келмаган шекилли, 1989 йилда Коммунистик (ҳозирда Юқори Чирчиқ) район матлубот жамиятига қарашли давлат таъминоти базасига мудир бўлиб олди.

Акромнинг «адашдим» деганида жон бор шекилли-да. Ахир мутахассислиги бутунлай бошқа одам шундай катта базани қандай эпласин. Техникумда унга трактор, сеялкаларни ўргатишган бўлса, базада —гўшт, колбаса, балиқ, ун, гуруч. Тавба, раҳбарларга ҳам ҳайроннсан — йигит бечорани ўзи билмайдиган ишга қўйиб бунча қийнашмаса. Унинг касби гўшт тарқатиш эмас, трактор созлаш эканини район матлубот жамияти раиси Т. Умарбеков (собиқ) ҳам, кадрлар бўлими инспектори ҳам, қоларверса, вилоят матлубот жамияти раҳбарлари ҳам тушуниб етишмаганми? Ё улар ҳам адашганмикан? Бўлса бордир, хом сут эмган банда ҳаммаси, адашади. Фақат, мана энди, адашиш Акромга қимматга тушиб қора курсида ўтирганида, уни ишга ноқонуний «адашиб» қабул қилганлар ҳам жавоб беришадими ё бир чеккада илжайиб тураверишадими? Кейингиси мантиққа ҳам, ҳаётга ҳам яқин. Масалан, Т. Умарбеков ҳозир ҳатто «кўтарилган» — Тошкент вилоят мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкат бирлашмаси раисининг муовини вазифасида ишлаяпти. Балки улар орасидан кимлардир жон куйдириб Акромни жиноий жавобгарликдан қутқариб қолиш йўлларини ҳам излаётгандир. Бу уларнинг иши. Қонун ўз ишини қилаверади: А. Қосимов болалар, уруш ва меҳнат ногиронлари, нафақахўр бечораҳол инсонлар насибасию ризқини қирққанлиги ва бу ризқни чўнтагига уриш билан шуғулланиб келгани учун қонун олдида жавоб беради. Фақат қонун олдидагина эмас, имону инсофни кузатиб турадиган илоҳий куч, виждону диёнат олдида ҳам жавоб бериши керак. Чунки у норасидаларнинг, атрофимиздаги мажруҳ бечораларнинг оғзидаги овқатга чанг солган.

Гап шундаки, Акром мудир бўлган омбордан болалар боғчаларига, мактабларга, ветеранларга хизмат кўрсатадиган дўконларга озиқ-овқат моллари тарқатилади. Бундай маҳсулотларнинг нархи ошган ва ҳар бир миқоли ҳисоб-китобда бўлган ҳозирги пайтда А. Қосимов «давринг келди, сур бегим!» қабилида иш тутиб, текин пулга чўнтакни қаппайтириш тадбирларини кенг миқёсда амалга ошираверган. Унинг навбатдаги мижози, «Янгибозор» қишлоқ матлубот жамияти рансининг муовини Шотурсин Обидов омбордан қўйни-қўнжини тўлдириб чиқиб келганида милиция ходимлари тўхтатдилар. Шу йил 21 июнь кунида соат 17.30 да рўй берди бу воқеа. «Харидор»нинг қўлида уч дона чет эл товуғи, уч килограмм мол гўшти, 1 дона (тахминан 3 килограмм колбаса) бор эди.

— Булар неча сўм бўлди? — сўрашди ундан кейинги сўроқда.

— Олтмиш сўм, — жавоб берди у.

— Тортиб олдингизми?

— Йўқ, Акром ичкарида тортиб олиб чиқди, олтмиш сўм бўлади деди, бердим айтганини.

«Иш» бошланди. Харидор фақат Обидов эмасди, йигирмага яқин одам Акромнинг «харидори» сифатида сўроқ беришди. Тўхтамурод Туронбоев, колхозчи: «2 та музлаган товуқ ва 2 та колбасани 30 сўмга олдим». 2-болалар боғчаси хўжалик мудири А. Огай: «Охирги марта 2,7 килограмм колбасани 21 сўмга олганман. Илгари ҳам Акромдан шунақа нарсаларни сотиб олардим». 21-магазин мудири Ғафур Олимжонов: «6 та товуқ олдим, пулини кейин бераман, деган эдим. 21 июнда борсам, омборни милиция ёпиб қўйибди». «Ўзбекистон» савдо маркази товаршуноси Гулнора Кушербоева: «6 та товуқни 83 сўмга олган эдим, милиция ушлаб қайта ҳисоблади — 56 сўмлик экан. 27 сўм уриб қолибди. Пулни фактурачи Гуля Акимовага берганман». Раиса Ўрозбектинова, район матлубот жамияти ҳисобчиси: «Тўйга икки қути товуқ ва 2 та колбасани 147 сўмга олдим». Ўринбосар Қулумбетов, шу база саноат моллари омборининг мудири: «21 июнда Акром акадан илтимос қилиб маърака учун 50 килограмм гуручни 110 сўмга олдим».

Базадан мол оладиган магазиннинг мудири Санобар Пардабоева: «От гўштидан 20 килограмм, вермишелдан 20 ўрам кам берди. 8 килограмм қўй гўшти билан 27 килограмм буйракнинг ҳатто пулини (104 сўм 50 тийин) ҳам бермади.

Олиб ўрганган одамнинг бериши қийин-да. Базадан гўшт, товуқ, колбаса ва бошқа маҳсулотлар чакана харидорларга устида «шапкаси» билан пулланаверади, натижада магазин ва боғчаларга керагидан кам берилади. Ҳам энидан, ҳам бўйидан уриш, ҳам ўрдани, ҳам бурдани тушириш деб шунга айтсалар керакда. Ҳолбуки, базадан бир сўмлик мол-маҳсулотни сотиш мумкин эмас, тақиқланади. Мазкур база эса Акром Қосимовнинг шахсий дўконига айланиб қолибди: қонун-қоидани бузиб бу ердан маҳсулот сотгани етмагандек, уларни тағин истаган нархда, истаган размерли «шапка» қийдириб пуллайверган.

Қизиқ, бундай қоида-қонунбузарликлардан район матлубот жамияти раҳбарлари бехабар қолганмикан? Ишониб бўлмайди. Чунки, юқорида саналган мижозларни қаранг, улар орасида бевосита ўша раҳбар идора вакиллари ҳам бор. Бунинг устига, Қосимов базаси харидорларининг аксарияти савдо ходимлари — яна ўша раҳбар идора раҳбарлиги остидаги кишилар. Колхозчи, ишчи, ўқитувчи шўрликлар эса гўштни икки баравар қимматига дўкондан сотиб олади. Чет эл товуғи-ю колбаса деган нарсаларни фақат тушларида кўрадилар. Устига устак, ойда-йилда бир-икки тишлам оғзи тегиши мумкин бўлган тоифадаги одамларни Акром ва акромлар чўмичда қоқишмоқда. Боғчалардаги болачаларнинг тили йўқ, ҳеч кимга арз-дод қилолмайди, қуруқ нонга қорни тўйса бўлгани. Ҳаётни кўп ва хўп кўрган нафақахўр ногиронларчи? Улар нега шикоят қилишмайди? Шикоят қила-қила чарчаган улар. Дардларини кимга ҳам айтишсин — Акромнинг райондаги раҳбарларининг аҳволи бу—ўзлари Акромнинг қўлига қарам бўлишса. Вилоятга ёзишса... районга юборишади! Пешонангни бетон деворга урган билан баробар...

Мудирнинг чўмичда қоқишлари фақат оширилган нархда чакана савдони авж олдиришдангина иборат эмас, у ташкилот ва муассасаларга, магазинларга белгиланган маҳсулотларни тарқатишда ҳам уриб қолмаса кўнгли жойига тушмас экан. «У» дейиш жудаям тўғри бўлмас, унинг раҳбарлигидаги ходимларнинг ҳам бундай ишларга суяги йўқ экан. Раҳбари ҳамманинг кўзи олдида гўшт маҳсулотларини лўнда-лўнда нақд сотиб турганидан кейин, тобелар тарозидан урса нима қилибди. Базадан чиқиб боғчаларга жўнаётган бирнеча машиналардаги маҳсулотлар қайта текшириб кўрилганда уларнинг ҳаммасидан 8-15 сўмлик уриб қолингани аниқланди.

Шундан сўнг Қосимовнинг иш жойи текширилди ва 1092 сўм пул топилди. Бу ноқонуний сотилган маҳсулотларнинг пули эканини у ўз оғзи билан айтди. Уйини тинтув пайтида 13.327 сўм пул чиқди.

А. Қосимов устидан жиноий иш қўзғатилди, тергов охирлаяпти. У албатта қонуний жазосини олади.

Ҳа, тома-тома кўл бўлади. Сўнг... бу кўлга ғарқ бўлиш ҳам мумкин...

Алишер РУСТАМОВ,
Юқори Чирчиқ район ички ишлар бўлими БХСС хизмати бошлиғи,
Ҳабибулла ОЛИМЖОН,
«Халқ сўзи» мухбири.

Швейцария тажрибасига таяниб

Сут ишлаб чиқарувчилар диққатига! Республикада биринчи тажриба!

Блок — контейнер нусхадаги мини-заводлар ва сут қабул қилиш шахобчаларини

„ЮГПРОММОНТАЖ" ТРЕСТИ

ТАЙЁРЛАМОҚДА:

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ КАФОЛАТ БЕРАДИ:

- БАКТЕРИЯДАН ТОЗАЛАШ ВА ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТЕЗЛАШИГА;
- ВАҚТНИ ҲАМДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЕЖАШГА;
- ОЗ ВАҚТ САРФЛАБ ЗАРУР МАҲСУЛОТНИ ОЛИШГА;
- БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ҚАЙМОҚ, САРИЁҒ, СУТ-ҚАТИҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА!

БИЗДАГИ ЯНГИЛИК СИБИРЬ ВА ҚОЗОҒИСТОН, РОССИЯ ВА ЎРТА ОСИЁНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА МАШҲУР БЎЛИБ БОРМОҚДА!

БИЗ ШВЕЙЦАРИЯДАГИДЕК СУТНИНГ СЕРОБЛИГИГА олиб борамиз.

БИЗ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИШГА ШОШИЛИНГ!

Эсингизда бўлсин, фақат «ЮГПРОММОНТАЖ» трестигина бу муҳим ишда сизнинг ишончли ҳамроҳингиз бўлади!

Манзилимиз:

706800, Навоий шаҳри — 1. Телеграф: Навоий — 1, Волна. Ҳисоб рақами 222411 Навоий шаҳар СҚБ. МФО 731186.

Телефонлар: 3-03-21, 6-44-40, 6-47-45.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РУЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 6147. 118800 нусхада чоп этилади

Халқ сўзи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12